



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



«Биз амалга ошираётган
ислоҳотлардан асосий мақсад
одамлар ҳаётини
яхшилашдан иборатдир»

Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

“Ҳарбий тиббиёт
соҳасида кадрларни
тайёрлашнинг сифат
жиҳатидан янги
тизимини ташкил этиш
чора-тадбирлари
тўғрисида”
ПҚ-4780 сонли
ҚАРОРИ

2020 йил 22 октябрь

2020-йил 22-октябрдаги
ПҚ-4870-сонли қарор
«Ҳарбий тиббиёт соҳасида
кадрларни тайёрлашнинг
сифат жиҳатидан янги
тизимини ташкил этиш
чора-тадбирлари тўғрисида»



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



186 кишилиқ
ётоқхона

250 ўринлик
ўқув биноси

Вертолёт учиш-
қўниш майдони

Саф майдони ва
спорт шаҳарчаси

200 ўринлик
ошхона



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



“ЎҚУВ-МАШҚ СИМУЛЯЦИЯ МАРКАЗИ”



Робот-симулятор ва манекен-фантомлар билан жиҳозланган.

Курсант ва тинловчиларнинг амалий куникмаларини ривожлантириш тизими жорий қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



Ўқув синфлари





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



*Қуроли Кучлар таркибига
кирувчи вазирлик ва
идоралар учун ҳарбий
тиббиёт соҳасида
замонавий талабларга
жавоб берадиган
кадрларни тайёрлаш
Академиянинг асосий
вазифаларидан биридир*



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



Академияга номзодлар Ўзбекистон Республикаси тиббиёт олий таълим муассасалари

- ❖ даволаш факультетининг 5-босқичини тамомлаган талабалар танлов асосида
- ❖ ўқиш якунлари бўйича энг юқори натижаларни кўрсатган
- ❖ ўқишини Ҳарбий тиббиёт академиясида давом эттириш ва келгусида контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ истагини билдирган
- ❖ соғлиғи ҳолатига кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлган талабалар орасидан танлаб олинади.





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



Академияда курсантларнинг 2 босқичли ҳарбий тиббиёт ўқув дастури асосида:

1-босқич бакалавриатда

2-босқич ҳарбий интернатурада (Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича) амалга оширилади.





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



Академиянинг бакалаврият босқичини тамомлаган курсантларига дастлабки «тиббий хизмат лейтенанти» ҳарбий унвони ва «ҳарбий врач» мутахассислигини тўғрисида **ДИПЛОМ** берилади.

Ҳарбий интернатурани тамомлаган тингловчиларга, навбатдаги «тиббий хизмат катта лейтенанти» ҳарбий унвони ва тегишли мутахассислик берилганлиги тўғрисида **ГУВОҲНОМА** берилади.





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



Тиббиёт соҳасидаги топ мутахассисликлар бўйича тиббиёт хизмати офицерлари Академиянинг **КЛИНИК ординатурасида** ва **магистратурасида**, илмий-педагог кадрлар эса унинг **докторантурасида** тайёрланади





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА ТАЙЁРЛАНДИГАН МУТАХАССИСЛИКЛАР РЎЙХАТИ

Мутахассислик	Муддати	Таълим йўналиши
I. БАКАЛАВРИАТ		
Ҳарбий врач	1 йил	Ҳарбий тиббиёт иши (даволаш иши)
Гигиена-эпидемиология ҳарбий врачлари	1 йил	Ҳарбий тиббиёт иши (тиббий профилактика иши)
II. ҲАРБИЙ ИНТЕРНАТУРА		
Юқумли касалликлар, ички касалликлар, жарроҳлик касалликлари йўналишлари бўйича	1 йил	Даволаш иши
Ҳарбий эпидемиолог, ҳарбий гигиенист	1 йил	Тиббий профилактика иши
III. КЛИНИК ОРДИНАТУРА		
Ички касалликлар (терапия)	2 йил	Даволаш иши
Умумий хирургия	3 йил	
Юқумли касалликлар	2 йил	
Эпидемиология, коммунал гигиена, меҳнат гигиенаси	2 йил	Тиббий профилактика иши
IV. МАГИСТРАТУРА		
Гигиена йўналишлари бўйича	2 йил	Тиббий профилактика иши
Ҳарбий соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва менежменти	2 йил	Ҳарбий тиббиёт иши (даволаш иши)
Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари йўналишида		Даволаш иши
Терапия, хирургия, юқумли касалликлар йўналишида	3 йил	Ҳарбий тиббиёт иши (даволаш иши)
V. ДОКТОРАНТУРА		
Ҳарбий тиббиёт	3 йил	Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
		Тиббиёт фанлари доктори (DSc)



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



- ❖ **Бепул ётоқхона (2 ўринли);**
- ❖ **Уч маҳал бепул иссиқ овқат;**
- ❖ **Фаслга қараб бепул ҳарбий кийим-кечаклар;**
- ❖ **Пул таъминоти (стипендия):**
 - *Қониқарли баҳога ўқиган курсантларга – 1 045 000 сўм;*
 - *Яхши баҳога ўқувчи курсантларга – 1 190 000 сўм;*
 - *Аъло баҳога ўқувчи курсантларга – 1 370 000 сўм.*
- ❖ **Шаҳар транспортларидан бепул фойдаланиш;**
- ❖ **Ҳарбий даволаш муассасаларида бепул даволаниш;**
- ❖ **Қишда 15 кунлик ва ёзда 30 кунлик таътил;**
- ❖ **Ёзги таътилга темир йўл транспортидан ва давлат автобусларидан бепул фойдаланиш.**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



т/х лейтенанти	1 йил	6 500 000 сўм
т/х катта лейтенанти	2 йил	7 900 000 сўм
т/х капитани	3 йил	8 900 000 сўм
т/х майори	4 йил	9 600 000 сўм
т/х подполковниги	5 йил	11 100 000 сўм
т/х полковниги	Чегараланмаган	14 400 000 сўм

т/х офицерлари учун ҳар йил 1 мартаба:

13-чи ойлик 9 000 000 сўм

моддий ёрдам пули 4 500 000 сўм

1 йиллик умумий пул таъминоти

91 500 000 сўм

Узлуксиз хизмати учун 2 йилда 1 мартаба контракт пули

9 000 000 сўм

Оилавий поликлиника шифокори

1 ойлик пул таъминоти 3 124 000 сўм (1 000 000)

1 йиллик умумий пул таъминоти 37 488 000 сўм



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва тегишли қонунларига мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартибини белгилайди;
- ҳарбий хизматни ўташнинг шаффофлиги ва ҳар бир ҳарбий хизматчининг профессионал ўсиш истиқболини таъминлайди.

212. Ҳарбий хизматчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга эмас:
бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиш, **илмий, педагогик ва бошқа ижодий фаолият** олиб бориш бундан мустасно, агарда у ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилмаса;



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



184. Ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат, пул, кийим-кечак, уй-жой таъминоти билан таъминланадилар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган пенсия ва тиббий таъминот ҳамда бошқа ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

Оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга:

йил якунларига кўра январь ойида қўшинлар жанговар шайлигини саклаб тўргани, хизмат мажбуриятларини виждонан бажаргани учун мукофот пулини тўлаш тўғрисидаги буйруқ имзоланган кунда белгиланган меъёрларга кўра иккита пул таъминоти окладига тенг миқдордаги бир марта бериладиган пул мукофоти туланади;

бир йилда бир марта битта пул таъминоти окладига тенг миқдордаги моддий ёрдам пули тўлаб берилади.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



189. Контракт бўйича ҳарбий хизматчилар ва улар билан бирга яшовчи оила аъзоларига (эри, хотини, фарзандлари, шунингдек уларнинг қарамоғидаги шахслар) янги ҳарбий хизмат жойида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартиб ва меъёрлар бўйича яшаш учун турар жой берилади.

Ҳарбий хизматчилар ва улар билан бирга яшовчи оила аъзолари (эри, хотини, фарзандлари, шунингдек уларнинг қарамоғидаги шахслар) турар жой билан таъминланмаган тақдирда, уларга ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган миқдорда турар жойни ижарага олганлик (ижарада тўрганлик) учун компенсация пули туланади.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



193. Ҳарбий хизматчилар ҳарбий-тиббий бўлинма, ҳарбий қисм ва муассасаларда бепул тиббий ёрдам олиш, шу жумладан тиш протезларини ясатиш ва таъмирлатиш (кимматбаҳо металл ва бошқа киммат турувчи материаллардан тайёрланган протезлар бундан мустасно), дори воситалари, бошқа тиббий мулк билан бепул таъминланиш ҳуқуқига эга.

194. Харажатларни қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда вазирликлар томонидан белгиланади. Қуйидаги ҳолларда ҳарбий-тиббий муассасалардаги бепул тиббий таъминот ҳуқуқидан собик контракт бўйича ҳарбий хизматчилар ҳам фойдаланадилар:

а) катта офицерлар таркиби ва генераллар ҳарбий хизматнинг умумий давомийлиги йигирма йил ва ундан ортиқ бўлганда, умумий давомийлиги йигирма беш йил ва ундан ортиқ бўлганда эса бу ҳуқуқ уларнинг турмуш ўртокларига ҳам татбиқ этилади;

б) кичик офицер, сержант ва оддий аскарлар таркиби ҳарбий хизматнинг умумий давомийлиги йигирма йил ва ундан ортиқ бўлганда;



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



195. Муддатли ҳарбий хизматчилар ва олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари ҳарбий-тиббий комиссия хулосасига кўра санатория-курорт муассасаларида бепул даволаниш билан таъминландилар.

196. Катта офицерларнинг оила аъзолари (эри, хотини, ўн саккиз ёшга тўлмасидан олдин ногирон бўлиб қолган ўн саккиз ёшдан ошган фарзандлари, таълим муассасаларида таълимнинг кундузги шаклида таҳсил олаётган йигирма уч ёшгача бўлган фарзандлари) ҳарбий-тиббий муассасаларда бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эгалар.

201. Ҳарбий хизматчилар хизмат сафарига, ҳарбий хизматни ўташ учун янги жойга ўтказилганлиги муносабати билан, йилига бир марта асосий (каникуляр) таътилни, қўшимча таътиллارни ўтказиш жойларига, даволанишга бориш ва кайтишда, ҳарбий хизматдан бўшаганда ўзи танлаган яшаш жойига боришда темир йўл, хаво, сув ва автомобиль (таксидан ташқари) транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга